

Аллоҳ азза ва жалла учун ғазаб



08:00 / 14.01.2020 2076

Ханнос ибн Саҳим айтади: «Зиёд ибн Жарир билан ахлат ёнидан ўтиб кетаётган эдик. Сўзим орасида: «Йўқ, омонат билан қасам», деб юбордим. Шунда Зиёд йиғлади. Мен жуда катта хато қилиб қўйдим, деб ўйлаб, «Нотўғри гапириб юбордимми?» деб сўрадим. У: «Ҳа, Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу омонат билан қасам ичишдан жуда қаттиқ қайтарар эдилар», деди. («Жомиъус-саҳиҳ» да Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай қасам ичишдан қайтарганлари ҳақида ривоятлар бор).

«Солиҳлар гулшани» китобидан